

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**"O'ZBEKISTON ETNOLOGIYASI: AN'ANALAR VA
INNOVATSIYALAR"
MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYASI MATERIALLARI**



Toshkent 2022 yil

Tahrir hay'ati:

1. t.f.f.d. (PhD). A.D. Bababekov
2. t.f.d (DSc).B.M. Ubaydullayeva
3. t.f.n, katta ilmiy xodim A.R. Qayumov
4. t.f.n, katta ilmiy xodim I.M. Xo'jaxonov
5. t.f.f.d. (PhD) N.N. Narziyev
6. t.f.f.d. (PhD). S.M. Anarkulov
7. Sh.M. Abdusatorov
8. T.G'. Babarahimov
9. R.H. Abduzohirov
10. K.R. Abduraxmonova

Taqrizchilar:

1. t.f.d. prof. A.A.Ashirov
2. t.f.d. S. T. Davlatova

Mualliflar keltirilgan statistik va boshqa ma'lumotlar uchun mas'uldirlar. Mazkur to'plam Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti tarix fakulteti Kengashining 05.2022 yildagi 3–sonli majlisi qarori va tarix fakulteti "Antropologiya va etnologiya" kafedrasining 26.05.2022 yildagi 19–sonli majlisi qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

Mirzo Ulug'bek nomidagi
O'zbekiston Milliy
universiteti
2022 yil

Сўз боши

Марказий Осиё археологияси, тарихий-маданий мероси замонавий изланишларда

А.А. Аширов	XX аср бошларида Ўзбекистонда этнографик тадқиқотларни шаклланишига доир айрим мулоҳазалар	5-9
Сулаймонов Р.Х.	Вопросы корреляции языковых семей и культур эпохи палеолита	10-13
Мавланов Ў. М.	Буюк ипак йўлида этномаданий муносабатлар	14-20
Юнусова Х.Э.	Ўзбекистон тарихий маданий ёдгорликларига муносабат (XX аср 80 йй.)	21-24
Очилдиев Ф.Б	XIX асрнинг иккинчи ярми – XX яср бошларида Бухоро амирлигининг Кўкон хонликлар билан олиб борилган савдо алоқалари	25-27
Тўраев X.X.	Академик А.Муҳаммаджонов – Бухоро тарихи тадқиқотчиси	28-29
Собиров А.	Ohangarondan topilgan qovunchi madaniyatiga oid yangi qabrlar xususida	30-33
Normurodov D.		
Ismoilov U.		
Isabekov B.		
Qurbanova M.B.	Markaziy Osiyo xalqlari “alla”si etnologik tadqiqot ob’ekti sifatida	34-39
Kalonova I.T.		
Турекеев Қ.Ж.	Қорақалпоқларнинг мотам маросимларида магик тасаввурларнинг намоён бўлиши	40-43
Хомитов Р.	Ўзбекистондаги этномаданий жараёнларда турли халқларнинг иштироки	44-49
Кудайбергенов С.	Амударёning қўйи ҳавзасида неолит даври этнослараро мулоқот йўллари	50-52
Sharopov D.	Sovet davrida buxoroda madaniy hayot	53-55
Примова С. О	Чўқи қалпоқларнинг археологик манбаларида акс этиши	56-58
Raxmonova K.M.	O‘rta Zarafshon vohasi XX asrning 90 yillari va XXI asrning boshlarida neolit davri yodgorliklarining o‘rganilishi	59-62
Isaqov R.O‘.	Qoraqalpoq xalq milliy hunarmandchiligidagi	63-69

	mahsulotlarini tayyorlash bilan bog‘liq urfodat va marosimlar	
Yeshimbetova Sh.	Qoraqalpoq xalq kashtachiligi	70-73
Jumaev M.	Mustaqillik yilarida buxorodagi bonyodkorlik ishlari	74-76
Султонов К	Амир Темурнинг бошқарув маҳорати ва маънавий салҳиятининг ижтимоий сиёсий таҳлили	77-80
Tajimuratov D.	Xorazm vohasi antik davri shaharlari tarixi	81-85
Ҳайдаров З.Б.	Фарғона водийси ва Тошкент воҳасининг палеолит даври маконларининг ўрганилиши	86-88
Шодмонов X.X.	“Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари” монографияси хусусида	89-91
Turapova M. A.	Mustaqillik yillarda ilk temir davri yodgorliklarining o‘rganilishi va uning o`ziga xosliklari.	92-101
Ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи ва этнологияси масалалари		
Давлатова С.Т.	Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тадқиқотлар ва ўрганиш муаммолари	102-107
Убайдуллаева Б.М.	Ўзбекистонда этнология ва антропологиянинг фан сифатида шаклланишида профессор Турсун Усарович Салимовнинг ўрни	108-110
Бўриев О.	Марказий Осиё тарихига бир назар	111-115
Қаюмов А.Р.	Этнологияда геналогик тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти	116-119
Хўжахонов И.М.	Ўзбекларнинг этник ўзлиги билан боғлиқ айrim масалалар	120-124
Атаханов Ш.Т.	Краткий анализ межэтнических отношений и проблемы в решении конфликтных ситуаций	125-127
Жуманазаров X. C.	Узбекские традиции народной медицины: прошлое и настоящее	128-132

Тоғаев Ж.	Қадимги миграциялар хусусида айрим 133-136 муроҳазалар
Бобожонов Ш.У.	Баҳоуддин нақшбанд қадамжоларидағи 137-139 дараҳт культи билан боғлиқ халқона қарашлар
Kodirov F.R.	Farg`ona vodiysidagi barlos etnografik guruhi 140-142 xususida
Xolmamatov N.	Chorvachilikda qoramol bilan bog'liq urf- 143-147 odat, marosimlar (Oqdaryo va Payariq tumanlari misolida)
Марказий Осиё ҳалқлари тарихи, тарихшунослиги ва манбашунослиги муаммолари	
Бабабеков А.Д.	Тоғли аҳоли хўжалик фаолиятида норасмий 148-151 жамоавийлик институтларининг шаклланишига доир айрим муроҳазалар
Искандаров Ш.А.	Ўзбекистонда яшовчи арабларнинг 152-157 этнотопонимларига оид қарашлар
Усаров У.А	Россия империяси мустамлакачилиги 158-160 даврида Туркистан ўлкасининг анъанавий қишлоқ хўжалигининг аҳволи
Мачин Г.В.	Новое прочтение научного сотрудничества 161-169 ученых ирана и средней Азии и роль в нем Абу Райхана Беруни
Йўлдошев Б.	“Бобурнома” нашрлари ва ундаги айрим 170-172 камчилик ва хатолар хусусида
Темиров Ф.	Садриддин Айнийнинг “Бухоро манғит 173-176 амирлари тарихи” асарида Амир Шоҳмурод тавсифи
Бобоев Ф	Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши 177-181 курашнинг кучайишида диний сиёсатнинг таъсири (1918-1935 йиллар)
Мухамедов Я.К.	Чоч хукмдорлигининг маъмурий 182-185 бошқаруви тарихшунослиги масаласи
Абдуллаев Д.	Марказий Осиёда мукофотлаш ва 186-191 рағбатлантириш тизими тарихи (шарқ ва ғарб мукофотлари қиёсий – тарихий таҳлили)
Сайдова Д.	Бухоро музейидаги артефактлар ва 192-193 уларнинг тарихий манба сифатидаги ўрни

Юсупова Г.	Фарғона иқтисодий районида енгил саноат: 194-199 ривож ва муаммолари (XX аср 50-70 йиллар)	
Рахматова Н.М.	Мустақиллик йиллари Навоий вилоятида 200-203 касаначилик ва қўл меҳнати	
Islomov D.	Abdurauf Fitrat va uning “Rahbari najot” asari 204-207 haqida	
Beshimov M.	Mang’itlar sulolası davrida qurilgan tarixiy 208-209 yodgorliklar	
Абдуллаева Н.А.	Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” асари 210-212 мухим тарихий манба сифатида	
Samadova H.M.	Sharifjon Maxdum Sadri Ziyoning ilmiy 213-216 merosi	
Jamolova D.M.	Muhammad Munshiy va uning “tarixi 217-220 Muqimxoniy” asari haqida	
Safoyeva Sh.	Toshkent shahar markaziy davlat arxivisi – 221-223 shahar tarixini o‘rganishda asosiy manba sifatida	
Raximova S.G`.	Elboyev F. X.	Quruqsoy qishlog`ining tarixi va 224-227 etnografiyasiga doir ba’zi ma’lumotlar
Bo`stonova Z.	Mirzo Salimbekning “Kashko`li Salimi” 228-230 asarida Buxoro elchisining donoligi haqida	
Qilichev O.A., Ismoilov Sh.I.	Buxoro o`lkashunoslik muzeyi – rivojlanish 231-232 bosqichida	
Iumaiyev R.G`., Jo`rayev I.I.	Buxoro davlatchiligi tarixida mang`itlar 233-236 sulolasining hokimyat tepasiga kelishi.	
Jumayev G`I.	G‘iyosiddin Xondamirning «habib us-siyar fi axbori afrodi al-bashar» asarining tarixshunosligi	
Kalbayeva U. J	Amudaryo bo‘limining tashkil topishi va uning 240-241 ma’muriy-hududiy tuzilishi	
Nafasofa D.N.	XIX asrning ikki yarmi – XX asr boshlarida 242-244 Sirdaryo viloyatining hududi va iqtisodiy hayotiga oid ba’zi mulohazalar	
Raxmanova M.Sh	Xiva xonligida qo‘ng’irotlar sulolası davri 245-247 manbashunosligiga doir ayrim mulohazalar	
Temirova G.	Buxoro amirligining tugatilishi - sovet 248-249 hokimiyati mustamlakachlik siyosati.	
Jonizoqov F.	XX asrda Koreyada arxiv ishi faoliyatiga doir 250-252	

	ba'zi mulohazalar (islohotlar, tizimlashtirish va taraqqiyot jarayonlari)	
Азизов Б.Б.	Россия империяси хукуматининг 253-254	
	Нуркистонда миллий маорифни чеклаш сиёсати	
Ergashev H. Yu.	Mustaqillik yillarida Mirzo Ulug'bek nomidagi 255-259	
	O'zbekiston Milliy universiteti Tarix fakultetining rivojlanishi	
Gadayeva Z. A.	Millatparvar jadidlar faoliyatida ma`naviyat va 260-262	
	madaniyat masalalari	
Husniddin A. T.	Shayboniy hukmdorlarning taxtga chiqish 263-268	
	an'analari	
Замонавий этнологик тадқиқотлар ёшлар нигоҳида		
Нарзиев Н.Н.	Мулоқот маданиятида атрибутлар доир 269-274	
	баъзи мулоҳазалар (ўзбек халқи мисолида)	
Норбўтаев П.П.	Этнология фанида фольклор 275-280	
Намозова С.Б.	материалларни ўрганишнинг тадқиқот методлари	
Аскarov М.М.	Идентиклик тадқиқоти нега зарур? 281-285	
Анаркулов С.М.	Шаҳарсозликдан мафкуравий 286-290	
	“Бунёдкорлик” сари...	
Абдусаторов Ш.М.	Аҳоли хўжалик машғулотларининг 291-294	
	таомлардаги акси (Фарғона водийси дала материаллари асосида)	
Abduzohirov R.H.	Migratsiya nazariyalariga oid ayrim 295-299	
	mulohazalar	
Бабарахимов Т.	Минтақавий ўзликни англаш масаласи 300-303	
	доир баъзи қарашлар тахлили	
Азизов А.	Фарғона водийси аҳолиси дунёқарашида 304-310	
	уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлар (кўй мисолида).	
Хайдаров А.	XX аср бошларида Фарғона вилояти 311-313	
	аҳолисининг диний таркибидағи ўзгаришлар	
Abduraxmonova K.R.	Tibbiyot tizimlari taraqqiyotiga oid ayrim 314-319	
	mulohazalar	
Хомиджонова М.А.	Антрапологическая школа л.в. ошанина 320-323	

Abdivohidova G.R.	Mustaqillikning dastlabki yillarida xotin-qizlar bandligi va huquqlarini ta'minlash masalasi tahlili	324-327
Ulugbekov O.	The prosperity of visual anthropology in Uzbekistan as a new science way	328-329
Ergasheva B.G`	Zamonaviy o`zbeklarning reklamaga bo`lgan munosabati	330-335
Haqberdiyeva F.	O`zbekistonda nonning o`ziga xos turlari	336-338
Islomov D.	“Abdullahoma” asari – shayboniyalar davri tarixini yorituvchi muhim tarixiy manba	339-342
Komilova Sh.	Ayollar migratsiyasining asosiy sabablari va xususiyatlari	343-347
Nafasova H.	Bolalar an'anaviy mavsumiy o'yinlari haqida	348-354
Sirliboyeva G.	Covid-19 davrida oilaviy munosabatlar.	355-357
Solijonov O.	“Darveshona” marosimining ayrim jihatlari xususida	358-360
Toshtemirov B.Sh.	Etnik nizolar va ularning sabablariga doir mulohazalar	361-363
Ойдинова И. Н.	Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонликларнинг меҳнат фронтига сафарбар қилиниши муаммосининг ўрганилишига доир	364-366
Алиназаров Д.В.	Современная этнология в Узбекистане: основные направления исследований	367-369
Mustafoqulov Sh.M.	Jahon xalqlari lingvistik klassifikatsiyasiga doir ayrim mulohazalar.	370-371
Abdimuradov J. Z.	Qashqadaryo vohasida tarixiy madaniy ekologik ziyorat turizmini rivojlantirish masalalari	372-374
Isaqov R. O`.	Qoraqalpoq xalq milliy hunarmandchiligidagi mahsulotlarini tayyorlash bilan bog'liq urfodat va marosimlar.	375-380
Tursunov N.	Mahalliy boshqaruv tarixidan	381-384
Султонов Ш.Э.	Buyuk ipak yo'lining eftaliylar davridagi ijtimoiy-siyosiy hayot, aholining etnik tarkibi	385-388
Юсупова X.М.	Toшкент воҳаси илк ўрта асрларда: ижтимоий-иктисодий ҳаёт ва шаҳарсозлик маданияти ривожланиш омиллари.	389-391

“тутинган ука” тўй-маъракаларида энг яқин қариндошдан зиёд хизмат қилишини таъкидлади¹.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, тоғли туманлар хўжалик фаолиятида аграр тармоқнинг устунлиги, ишлаб чиқаришда натурал ва майда товар шаклининг қўшиб олиб борилиши, ёпиқ уй хўжалиги, эмпирик хўжалик-мехнат тажрибаси, бандликнинг экстенсив типи ва қўл меҳнатининг устунлиги XX аср давомида жамоавийлик туйғуларига асосланган “ошначилик”ни норасмий (ноформал) институт сифатида сақланиб келаётганини қўрсатди. Шунингдек, тоғли аҳолининг ижтимоий, худудий мобиллигининг паст даражада бўлиш омили ҳам ошначилик каби норасмий институтлар аҳолининг иқтисодий фаолиятини олиб боришида ижобий муҳим рол ўйнаган. Бу каби ошначилик (шериклик) ижтимоий ноформал институт сифатида Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғолди минтақалари, дашт худудларида қишлоқ жамоаси, ер-сув жамоасида шаклланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг тоғолди минтақаларида аграр тармоқнинг устунлиги, ишлаб чиқаришда натурал ва майда товар шаклининг қўшиб олиб борилиши, ёпиқ тизимли уй хўжалиги, бандликнинг экстенсив типи ҳамда қўл меҳнатининг устунлиги тоғли аҳоли хўжалик фаолиятида мироблик, хашар, ошначилик каби норасмий жамоавийлик институтларининг шаклланишига асос бўлган дейиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШОВЧИ АРАБЛАРНИНГ ЭТНОТОПОНИМЛАРИГА ОИД ҚАРАШЛАР

Искандаров Шерзод Абдиганиевич
Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Этнотопонимларга оид манба ва адабиётлардан маълумки, ўтмишда турмуш тарзи ўтрок ёки кўчманчи маданият билан боғлиқ бўлган халқларнинг жой номларида ўзига хос маълум фарқни кўриш мумкин. Е. М. Поспеловнинг ёзишича, этнотопонимлар шаклланиши турли этник бирликлардан иборат бўлган аҳолининг мамлакат, вилоят, шаҳар, табиий обьектларга ўз этник номларини бериши билан боғлиқдир. В. А. Никонов эса этнотопонимлар бирон миллат ёки халқ яхлит яшайдиган ҳудуднинг ички қисмида эмас, балки бу минтақанинг чекка қисмида, яъни икки халқ аралаш яшайдиган чегарадош зонадагина бўлади, деб ҳисоблаган². Қолаверса, мавжуд адабиётлар ва этнографик маълумотлар турмуш тарзи ўтрок деҳқончилик маданияти билан боғлиқ бўлган аҳоли кўпроқ ўзи яшаётган ҳудудни, қишлоқ, маҳаллани табиий-географик хусусиятига

¹ Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Оққўрғон қишлоғи. 2018 йил.

² Қаюмов А. Р. Этнотопонимлар – ўзбек халқининг этник таркиби хусусиятларини ўрганишда манба сифатида / Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 102–103.

қараб номласа, ўтмишда хўжалик ҳаёти чорвачиликка асосланган халқлар яшаш манзилига кўпроқ ўзларининг қабила ва уруғ номларини беришидан далолат беради. Умуман олганда, турли омиллар натижасида юз берган демографик жараёнлар айрим ҳолларда минтақа аҳолиси таркиби бойишига ва турли этник гуруҳларнинг ўзаро аралашуви гоҳида баъзи уруғ-қабилаларни бошқа минтақаларда яшовчи аҳоли билан ўзаро сингишиб кетишига ҳам сабаб бўлган. Бу ҳолат этноинтеграцион жараёнларни юзага келтириб, халқлар этномаданий ҳамда этнохўжалик турмуш тарзида ўзаро таъсирни келтириб чиқарган. Айниқса, ярим кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви янада тезлашиб, уларнинг яшаш, турмуш тарзи ва машғулотида бир қатор ўзгаришлар юз берган¹.

Араблар воҳаларга келиб жойлашар экан, асосан, минтақанинг жануби-гарбий худудларини танлаган бўлсалар, шимоли-шарқий худудларида эса зич ҳолда жойлашмаган. Минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари, яъни Сирдарё ҳавзаларида эса араблар янги масканлар танлашга унчалик рағбат кўрсатмайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, минтақанинг жануби-гарбий қисмлари нисбатан иссиқ иқлимли бўлиб, табиий-географик жиҳатдан бирмунча дашт ва чўллардан иборат эди. Бу эса, асосан, иссиқ ўлкаларда яшаган арабларнинг мижозига мос тушарди. Шимоли-шарқий худудлар, айниқса, Фарғона водийси, асосан, тоғ ва тоғолди худудлардан иборат бўлиб, бу ерларнинг иқлими нисбатан совуқлиги араблар учун муайян ноқулайликлар туғдирган².

Арабларнинг ilk бор Фарғона водийсида пайдо бўлиши улар томонидан Ўрта Осиё истило этилиши даврига тўғри келади. Одатда истило этилган шаҳарларда бир гуруҳ араб қўшинлари-гарнizonлари қолдирилган. Уларга маҳаллий аҳолини тинчлантириш ва солиқ йиғиш вазифаси юклатилган эди. Даставвал, араблар маҳаллий аҳолидан биқиқ ҳолда яшасаларда, аста-секин, йиллар ўтиши билан уларга яқинлашиб, кета бошлиғанлар³.

Қашқадарё воҳасида арабларнинг жойлашуви, уларнинг қабилавий мансублиги ҳақида деярли маълумотлар сақланмаган. Юқорида тахмин қилганимиз каби бу маънода биргина балади–пўлати ҳақида, шунда ҳам бу жойдан чиққан олимлар туфайли, айрим хабарлар сақланган, холос. Бу Қашқадарё воҳасида алоҳида араб манзиллари, улар гуруҳ бўлиб яшайдиган ўзга қишлоқлар бўлмаган, деган гап эмас, албатта⁴.

Арабларнинг катта қисмида бугунги кунда ўзбеклашиш жараёни кенг тарқалган. Бухоро вилояти худудида ҳам арабларнинг бир қисми,

¹ Султонова Г. Н. Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги демографик жараёнларга таъсир этган омиллар тўғрисида айрим маълумотлар / Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 37.

² Ражабов Р. Ўрта Осиёда кечган этномаданий жараёнларда араблар иштироки / “Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрни” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Тошкент, 2012 – Б. 146–147.

³ Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи. – Тошкент: Navro’z, 2016. – Б. 75.

⁴ Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... – Б. 12–13.

хусусан, Жондор туманига қарашли бўлган Пўлати қишлоғида жойлашган. Уларнинг таъкидлашича, арабларнинг катта қисми Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли Пўлатидан кўчиб келиб шу ерда яшаб қолишган. Чунончи Чироқчи туманидаги «Чорвадор» қишлоғида истиқомат қилиб келаётган араблар ҳам Пўлатидан кўчиб борган. Улар қуда-андачилик, қариндош-уруғчилик анъаналарини узлуксиз давом эттириб келганлар. Уларнинг урф-одатлари, расм-русумлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Биз зикр этган қишлоқларнинг аҳолиси ўзларининг туб илдизларини Пўлати қишлоғи билан боғлашади.

Ахборотчилар маълумотига кўра, Амир Темур томонидан кўчириб келтирилган арабларнинг бир қисмини Касбидаги дин пешвоси Сайид Ҳазрат Султон Амир Шамсаддин Мирҳайдар соҳибқирондан сўраб олиб қолиб, ҳозирги Косон тумани худудларига жойлаштирган. Арабларнинг мазкур қисми Сайид «мирҳайдари» деб аталиб, Султон Мирҳайдарни ўзларига пир деб билишган ва XX асрнинг 20-йилларигача унинг авлодларига солиқ ҳам тўлашмаган¹.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон худудида очарчилик бўлган йилларда арабларнинг катта қисми ўзи яшаб турган худудни ташлаб, бошқа худудларга бориб жойлашган. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Работак қишлоғида арабларнинг йирик гуруҳи истиқомат қилиб келишган. Араблар таркибига киравчи Шамол қишлоғида араблар бешкал, қорасоний, замбиртўда ва шамшилла уруғларига бўлинган. Работакнинг Бой ва Сори қишлоғини ташкил этувчи араб мавзесида галаботир, галадевона гуруҳларига ажралган. Оиваж қишлоғи араблари эса муллагули, қорабеги, шержон ва моҳиби каби уруғларга бўлинади².

Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридан келиб маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетган хурросон уруғи авлодлари яшаб келмоқда³. Балх вилоятида савдо-сотиқ билан шуғулланган араблар Бомдод қишлоғига келиб жойлашган. Кейинчалик туялар учун кенг ўтлов ва яйловлар керак бўлганлиги сабабли улар Бойсундаги Работ чўлига ва Жарқўрғон туманига қарашли Какайди қишлоғи худудига бориб жойлашганлар. Юкорида номлари тилга олинган уруғлардан ташқари қаршилик, мисрлик каби номларни ҳам учратиш мумкин⁴. Қизириқ туманига қарашли Сурхон қишлоғида арабларнинг шом, истари, гиламбоз, хисори каби уруғлари яшайди⁵. Шовшилла, истара, гиламбоз авлодлари бундан 350 йил аввал келиб жойлашган⁶.

XX асрнинг 20-йилларида ўтказилган аҳоли рўйхати ва тарихий аҳолишунослик тадқиқотларига таянган ҳолда арабларнинг минтақа бўйлаб жойлашуви ва улар сонининг маҳаллий аҳолига нисбатини ёритиб

¹ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2011 йил.

² Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.

³ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил

⁴ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Какайди қишлоғи. 2011 йил.

⁵ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Сурхон қишлоғи. 2011 йил.

⁶ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.

беришга ҳаракат қилдик. Масалан, Самарқанд таркибидаги Каттақўрғон уездига 39490 нафар ўзбек, 5010 туркман, 3755 тожик, 535 эроний, 350 қирғиз, 300 Ўрта Осиё яхудийлари каби турли миллатлар каби 7940 нафар ўзларини араб қавмига мансуб деб билган аҳоли вакиллари қайд этилган¹.

1924 йилда Ўрта Осиёнинг миллий худудий чегараланиши муносабати билан ўтказилган текшириш маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида ўзбеклар 284753 нафар, тожиклар 39044 нафар, туркманлар 12777 нафар ва бошқа миллат вакиллари 12416 нафарни ташкил этган бўлса, араблар 31511 нафар бўлиб, умумий аҳолининг 8 фоизи араблардан иборат эканлиги қайд этилган². Шуни эътиборга олиш лозимки, Косон, Чироқчи, Шахрисабз, Ғузорда яшаб келаётган араблар маҳаллий аҳолининг таркибига сингиб кетган.

1926 йилги маълумотларга кўра Хоразм воҳасида арабларнинг сони 1248 кишини³, Фарғона водийсида жами 2130 нафар кишини ташкил этган⁴. Водий худудида жойлашган арабларнинг ҳар бир гурухи алоҳида кичик-кичик қишлоқларда тарқоқ ҳолда яшаган.

Сурхон воҳасида араблар Шеробод беклигининг Работак қишлоғида яшаган. Бу қишлоқ Шамол, Бой, Сари(1926 йилда 228 хўжалик бўлган) каби 3 қисмга бўлинган. Ўтмишда Работак «уч юз уйли араб» деб аталган⁵. Ўша даврида Қашқадарё вилоятихудудидаги қишлоқларнинг 29 тасида араблар яшаган⁶.

Араблар сонининг бундай камайиб бориши албатта совет даврида олиб борилган миллий сиёсат натижасида арабларнинг ҳам кўпчилиги ўзбек миллати таркибига қўшиб ҳисобланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда бир нарсага эътибор қаратиш лозим, улар эҳтимол маҳаллий халқ таркибига сингиб кетган ёки ўз она юртига кўчиб кетган бўлиши мумкин. Аммо тадқиқот ўтказилган даврда бирор-бир арабнинг бугунги кунда тарихий юрти Араб мамлакатларига кўчмаганлигини бир қатор ахборотчиларимиз таъкидлашди⁷.

Ўрта Осиё ва хусусан, Ўзбекистон худудидаги арабларда демографик кўрсаткичларнинг пассив даражасини табиий, миграцион, ассимиляция жараёнлари билан боғлаш албатта ноўрин бўлади. Бу борада советларнинг миллий сиёсати натижасида кам сонли халқлар босқичма босқич, сунъий равишда титул миллатлар таркибида қўшиб ҳисоблаш ҳолатларини эътиборга олиш лозим. Хусусан, 50–80-йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати материаларида арабларнинг сони кескин камайтириб

¹ Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888. – Самарканд, 1890. – С. 161–203.

² Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. – Ташкент, 1926. Ч. 1. – С. 289.

³ Материалы по районированию Средней Азии... Ч. 1. Хорезм. – С. 288.

⁴ Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения в Туркестанской республике. Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. Вып. IV. 1924. Ч. I. – С. 32–33.

⁵ Турсунов Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих. фанлари. номзоди. дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 63.

⁶ Сайдов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... – Б. 33.

⁷ Дала ёзувлари. Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари қишлоқлари. 2011–2019 йиллар.

кўрсатилган ва расмий хужжатларда, фуқаролик паспортларида ҳам уларни ўзбек (тожик, туркман каби) миллати сифатида қайд этилган.

Ҳар бир халқнинг қадимий ўтмиши билан боғлиқ жараёнлар этник тарихи, моддий ва маънавий маданияти, турли-туман уруг ва қабиласи, турмуш-тарзи, шунингдек, урф-одатларини ўрганиш бугунги кундаги ўта долзарб масалалардан биридир. Ана шундай муаммолардан бири арабларга оид бўлиб, уларнинг номи билан боғлиқ жой номларини республикамиз худудида кўплаб учратиш мумкин.

«Араб» этнонимининг пайдо бўлиши ҳақида олимлар турлича фикр-мулоҳазалар билдирганлар¹. Араблар Ўрта Осиёда ўзига хос этнолокал аҳамиятга эга эканлиги билан бошқа халқлардан фарқланади. Маълумки, арабларнинг катта қисми чорвачилик билан шуғулланиб келган. Арабларнинг этник асоси бир неча кичик уруг ва қабилалардан ташкил топган. Жумладан, шайбоний ва искандарий, балх, ҳисори қабилар.

Ўзбекистон арабларининг умумтопонимик қатлами маҳаллий халқ тарихи учун ниҳоятда қимматли бўлган маълумотларни ўзида сақлаб, бир неча асрлардан бери ўзи билан бирга олиб келган. Араб халқининг шу худудда жойлашиши, шаклланиши ва ташкил топиши, унинг миллий ва этник гуруҳ сифатида миллатнинг ташкил топишида маълум бир худудий ёки турли этник гуруҳлар бирлашмасидан тузилган тарихий-этнографик компонент сифатида иштирок этиши нуқтаи назаридан қаралса, этнотопонимик қатламнинг ўрганилиши ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ бўлади.

1926 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш вақтида Фарғона водийсининг фақат 2128 нафар аҳолиси ўзларини араб этник жамоасига мансуб эканликларини билдирганлар. Бу даврда улар асосан Андижон вилояти Избоскан туманига қарашли Кумариқ, Тўраобод, Яккатут, Наушкент; Фарғона вилояти Қува туманидаги Чўжаараб; Олтиариқ туманидаги Эскиарабтепа, Янгиарабтепа; Ёзёвон туманидаги Арабмозор; Фарғона туманидаги Араб қишлоқларида ғуж яшаганлар². Бундан ташқари, Бувайда туманида жойлаган худудда ҳам Катта араб қишлоғи мавжуд³.

Шунингдек, арабларнинг бир тармоғи балх араб деб юритилиши асосида⁴ ҳам уларнинг Шимолий Афғонистондаги Балх вилоятида яшаб, кейинчалик Мовароуннаҳр худудига кўчган араблар билан алоқадорлиги омили ётади⁵.

Ўзбекистон арабларининг этнотопоним билан боғлиқ бўлган навбатдаги масала уларнинг этник ва топонимик маънолари муносабати ҳамда этимологик таҳлили билан боғлиқ ҳисобланади.

¹ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 192.

² Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси этник таркибининг шаклланиши... – Б. 75.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Катта араб қишлоғи. 2018 йил.

⁴ Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – М.: Наука, 1976. – С. 112.

⁵ Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар... – Б. 42.

Россия империяси ва совет ҳукумати даврида тоталитар бошқарув ва зўравонликка асосланган тузум туфайли Ўзбекистон араблари мухожирликка маҳкум этилди. Уларни ўлканинг турли ҳудудларига бориб жойлашишга мажбур этилганлигини айрим ахборотчиларимиз эътироф этишди. Жумладан, Сурхондарё вилояти Денов туманига қарашли Юрчи қишлоғида яшовчи араблар 1917 йиллардан кейин Қашқадарё вилоятининг Пўлати қишлоғига бориб жойлашиб, кейинчалик ўша ҳудудда истиқомат қилиб келаётганлигини қайд этганлар. Бу каби маълумотлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшаб келаётган араблар турмуш тарзи ва маданиятини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот даврида қаршилик, бухоролик, жайновлик, жугарилик каби номларни учратдик. Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли Пўлати қишлоғидан Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро каби бошқа ҳудудларга арабларнинг жуда катта қисми чорва боқиш учун ёки очарчилик сабабли кўчиб боришган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Шеробод ҳамда Денов тумани Юрчи қишлоғида арабларнинг «ғалтакчи» уруғи бориб жойлашган бўлса, Пўлатининг Писталисидан Самарқанднинг Нарпай туманига қарашли Дуоба, Ўзбеккент, Чархин, Арабхона қишлоқларига ҳам араб уруғлари кўчиб бориб, яшаб келмоқда¹. Каттақўрғоннинг шарқий қисмида жойлашган Пархўза қишлоғида ҳам араблар яшаб келган. Аммо маҳаллий аҳоли уларни «араб» номи билан эмас, «қаршилик араб» номи билан атайди. Бу каби мисолларни кўп келтириш мумкин².

Этнотопонимлар халқ ҳаёти ва турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий маросимларида ўз аксини топади. Араб номи билан боғлиқ этнотопонимлар таҳлили натижасида шунга гувоҳ бўлдикки, араблар вақт ўтиши билан маҳаллий халқларнинг таркибиға сингиб, ўзбеклашаб кетган.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг полиэтник хусусияти минтақада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, этномаданий жараёнлар турли миллат ва элатларнинг ўзаро этник, хўжалик, маданий муносабатлари негизида кечган. Минтақадаги табиий-географик, этник-маданий муҳит барча миллат ва элат вакилларининг миллий-диний, этник қадриятлари, урф-одатларини сақланиб қолишига замин яратган.

¹ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи. 2011 йил; Самарқанд вилояти Нарпай тумани Дуобо қишлоғи. 2012 йил.

² Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти Нарпай тумани Чархин қишлоғи. 2012 йил.